

Функции руководства Академии наук Республики Узбекистан

Основные функции президента Академии наук РУз:

- осуществляет общее руководство Академией наук, реализует научную стратегию обеспечения социально-экономического, интеллектуального и духовного развития Узбекистана, оперативно решает текущие вопросы;
- несет персональную ответственность за состояние дел в Академии наук перед Президентом Республики Узбекистан, Кабинетом Министров и Общим собранием Академии наук;
- представляет Академию наук перед высшими государственными органами и на международной арене, защищает ее интересы;
- утверждает должностные обязанности аппарата управления Академии наук и контролирует их выполнение со стороны руководящих работников;
- создаёт необходимые условия для деятельности Совета директоров научно-исследовательских учреждений при президенте Академии, рассматривает предложения и рекомендации Совета;
- обеспечивает ликвидацию недостатков, мешающих развитию и эффективности деятельности Академии наук, разработке современных технологий и развитию научных исследований;
- контролирует выполнение запланированных научных исследований, а также обеспечивает своевременное внедрение в практику достижений науки и новых технологий;
- обеспечивает плодотворное сотрудничество научно-исследовательских учреждений с высшими учебными заведениями и академическими лицами;
- контролирует деятельность издательства "Фан" и изданий Академии наук;
- руководит работой по подготовке научных кадров и повышению их квалификации;
- назначает и освобождает от занимаемой должности в соответствии с действующим законодательством и в установленном порядке председателей региональных отделений Академии наук, руководителей научно-исследовательских учреждений, а также на основе договора назначает руководителей научно-вспомогательных и хозяйственных отделов, освобождает их от занимаемой должности;
- обеспечивает творческую атмосферу в научных учреждениях в целях демократизации деятельности научных работников и обеспечения эффективных условий их научной работы;
- является главным распорядителем кредитов Академии наук и осуществляет контроль за правильностью их использования.
- По поручениям и указаниям президента Академии наук издаются, регистрируются и доводятся до адресата приказы, пишутся инструктивные письма.

Основные функции вице-президентов АН РУз:

- обеспечивают общее руководство, контроль, мониторинг и работу по определению эффективности деятельности научно-исследовательских учреждений (НИУ) соответствующего научного комплекса;
- координируют научно-организационную работу НИУ по подготовке планов фундаментальных и прикладных научных исследований, инновационных разработок и международных научных проектов, а также отчетов о полученных результатах по данным работам и представлению их в Хай'ат АН РУз и соответствующие органы и организации РУз (Кабмин РУз, Минфин РУз, МИД РУз, Минэкономики РУз, Комитет КРНиТ и др.);
- координируют работу НИУ с заинтересованными отраслями экономики и производственными организациями, хозяйствующими субъектами, в том числе по выполнению совместных

инновационных и хозяйственных работ, внедрению, экспорту и лицензированию научной продукции НИУ;

- координируют работу НИУ по подготовке высококвалифицированных научных кадров, обобщающих монографий, заявок на получение патентов, соответствующих научных журналов АН РУз, планов научно-технических конференций, симпозиумов, экспозиций на ярмарках и выставках и др.;
- руководят работой соответствующих научных советов подведомственного комплекса по экспертизе конкурсных проектов фундаментальных и прикладных исследований и инновационных проектов, а также по формированию итоговой отчетной документации по ним;
- оказывают содействие в формировании и организации работы сети научных советов по защитах докторских диссертаций, планов обучения старших научных сотрудников – соискателей и подготовки самостоятельных соискателей, а также по представлению соответствующих материалов в Комитет КРНТ и ВАК РУз;
- выполняют поручения президента АН РУз и в случае его отсутствия исполняет функции президента АН РУз.

Основные функции главного ученого секретаря АН РУз:

- ФА бошқарув аппаратининг фаолияти билан боғлиқ барча ишларни амалга оширади;
- ФА Ҳайъатининг иш режасини тайёрлайди ва бажарилишини таъминлайди;
- ФАнинг фаолиятига тегишли бўлган Ҳайъат қарорларини президент ёрдамчиси воситачилигида тайёрлайди;
- Юқори директив органлар (Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Президент аппарати)нинг талаби асосида ФА фаолиятига тегишли бўлган тезкор маълумотномаларни тайёрлайди;
- Ижро интизоми учун масъул ҳисобланади;
- ФА Умумий мажлислари ва тезкор йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш ишларига раҳбарлик қилади;
- ФА фаолиятининг ярим йиллик ва йиллик календарь-режасини ишлаб чиқади ва унинг амалда бажарилишини таъминлайди;
- Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар (Фундаментал, амалий тадқиқотлар, инновация лойиҳалари, Ёш олимларнинг фундаментал ва амалий лойиҳалари) танловларини ташкил этишга раҳбарлик қилади;
- Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар (грантлар) бажарилишининг биринчи ва иккинчи ярим йилликлардаги мониторингининг вице-президентлар хизматлари томонидан ўтказилишини назорат қилади ва улар тақдим этган баённомалар асосида умумий маълумотномани тайёрлаб, Ҳайъатда тасдиқлаш учун киритади;
- ФА илмий-тадқиқот муассасаларида бажарилган илмий-ташкилий фаолият натижалари бўйича тегишли вице-президентлар хизмати томонидан тақдим этилган чорак, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни умумлаштириб, Вазирлар Маҳкамасига киритади;
- ФА илмий-тадқиқот муассасалари илмий ишларини режалаштириш ва уларни бажариш бўйича таҳлилий ишларни олиб боришга раҳбарлик қилади;
- ФАдан чиқаётган барча ҳужжатларнинг сўнгги (якуний) варианты бош илмий котиб кўригидан ўтиши лозим бўлиб, уларнинг сифатига жавобгар ҳисобланади;
- Илмий-тадқиқот муассасалари ижро аппаратининг ишларини ташкиллаштириш, Илмий кенгашлар фаолиятини назорат қилишга жавобгар;
- Илмий-тадқиқот муассасалари илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва илмий котиблар фаолиятини назорат қилади;
- ФА структурасини такомиллаштириш мақсадида унинг тасарруфидаги илмий-тадқиқот

муассасаларини бирлаштириш, тугатиш ва Олий таълим тизимига ўтказиш ишларида, бу борадаги Ҳукумат қарорларини тайёрлаш ва бошқа вазирлик ва идоралар билан келишишда бевосита иштирок этади;

- Ҳар йили ўтказилаётган Республика Инновацион технологиялар, лойиҳалар ва ғоялар ярмаркаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича масъул ҳисобланади. ФАнинг бу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ва ярмаркалар доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб боради;
- Юртбошимиз таклифи асосида йилларга анъанавий ном берилиши натижасида қабул қилинадиган Давлат дастурларининг ФАга тегишли бандлари бажарилишига жавоб беради;
- ФА илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятини режалаштириш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича таҳлилий ишларнинг тегишли вице-президентлар томонидан олиб борилишини назорат қилади;
- ФАни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, ФА илмий ва ташкилотчилик фаолиятининг энг муҳим натижаларини аниқлаш устида иш олиб боради;
- ФАда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференциялар рўйхатини шакллантиради, ўтказилиши устидан назорат олиб боради ва ҳисоботлар тайёрлашни ташкил этади;
- ФА илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, хусусан бюджет ва нобюджет маблағлар ҳисобига замонавий илмий асбоб-ускуналар харид қилиш учун тендер савдолари ўтказишда бевосита иштирок этади;
- Фундаментал ва амалий илмий дастурлар ташкилий-таҳлилий бўлими, Умумий бўлим (девоҳона) ҳамда Назорат гуруҳи фаолиятини назорат қилади;
- Кадрлар малакасини оширишни режалаштириш учун жавоб беради ва Илмий кадрлар бошқармаси ишини ташкиллаштиришга кўмаклашади;
- Илмий-тадқиқот муассасалари илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва илмий котиблар фаолиятини назорат қилади;

ФА бошқарув аппарати, ташкилотлари ва муассасаларида ахборотлаштириш жараёнларининг юқори даражада бўлиши учун жавоб беради:

- ФАнинг Ахборот (Матбуот) хизмати фаолиятига раҳбарлик қилади;
- ФА ва техника ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ва тарғиб этишни ташкил этади;
- Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган режа асосида республика матбуот марказида ФА фаолиятига тегишли мавзулар бўйича матбуот конференциялари ўтказиш ишларини ташкиллаштиради;
- ФА тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ташкил этади;
- ФА бошқарув аппарати ходимларининг замонавий компьютерлар, оргтехника ва бутловчи қисмлар билан талаб даражасида таъминланишини ташкил этади;
- электрон алоқа (Е-хат, Е-ҳужжат) ва локал тармоқнинг ишлаб туришини таъминлайди;
- интернет тармоғининг талаб даражасида фаолият юритиши (провайдерларни танлаш, улар билан шартномалар тузиш, шартномаларни тендер ва биржалардан ўтказиш, ҳ.к.) учун жавоб беради;
- ФАнинг расмий веб-сайтини яратиш ва мунтазам янгилаб турилиши бўйича иш олиб боради;
- ФАда корпоратив тармоқ яратиш ва уни ишлатишга масъул ҳисобланади;
- АКТ соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

ФАнинг Халқаро алоқаларини ривожлантиришга раҳбарлик қилади:

- ФАнинг хорижий академиялар ва ташкилотлар билан алоқаларини ўрнатиш ва ҳамкорликни амалга ошириш учун жавоб беради;

- Халқаро алоқалар бўлими фаолиятини назорат қилади;
- Фанга техник кўмак, грантлар, нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ташқи инвестицияларини жалб этиш ишлари билан бевосита шуғулланади, уларнинг танловини ўтказишни ташкил қилади;
- Жалб этилган инвестициялар, техник кўмак ва грантларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади, улар бўйича ҳисоботлар тайёрланишини ташкил этади, мутасадди вазирлик ва идораларга мазкур ҳисоботларни киритиб боради;
- Ҳукуматлараро шартномаларнинг илмий-техник қисмига ФА номидан таклифлар тайёрлаш ишларини ташкил қилади;
- Ҳукуматлараро ва вазирликлараро халқаро шартномалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларга (Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо, Ташқи ишлар, Молия, Иқтисодиёт ва бошқалар) таҳлилий маълумотнома ва ҳисоботлар тайёрлайди;
- “Ёш олимлар кенгаши” фаолиятига раҳбарлик қилади;
- “Ёш олимлар илмий конференциялари”ни ташкил қилади;
- “Ёш олимлар ахборотномаси” журналинини чоп этишга раҳбарлик қилади;
- Ёш олимлар учун турли ички (Энг яхши илмий иш, мақола, ишланма) ва ташқи (TWAS, UNESCO) танловларни ташкил этади;
- ФА “Юксак технологиялар жамоат фонди”нинг иш фаолиятини назорат қилади;
- ФА бошқарув аппаратида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида бажарилаётган амалий ва фундаментал лойиҳаларнинг ишини назорат қилади;
- “ЎЗР ФА маърузалари” журналининг масъул котиби вазифасини бажаради;

ФА номидан бошқа вазирлик ва идоралар томонидан ўтказилаётган турли танлов, комиссия ва ишчи гуруҳлари ишида иштирок этади.